

**DISCURSIVE CONSTRUCTION OF PALESTINIAN NATIONAL IDENTITY IN MAHMOUD DARWISH'S POEM "BITAQAT HUWIYYA"****Khilola A. Yuldasheva***Associate Professor, Doctor of Philological Sciences (DSc)**Higher School of Arab Studies**Tashkent State University of Oriental Studies*hilola_75@mail.ru*Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Mahmoud Darwish; Palestinian literature; national identity; administrative control; discourse analysis; postcolonial criticism; resistance literature.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article analyzes how national identity is constructed through discursive mechanisms in Arab literature, using Mahmoud Darwish's 1964 poem "Bitaqat Huwiyya" as a case study. The central argument is that national identity in the poem appears not merely as a "cultural sentiment," but as a political claim formed under conditions of administrative control (documents, registration, and restrictions).

The study examines the performative commands of the text, the rhetorical use of enumeration and counting, the symbolic representations of land and memory, and the interconnections and tensions between the categories of "Arabness" and "Palestinianness." At the same time, the article evaluates competing interpretations of the poem: an essentialist reading that treats the nation as an "unchanging essence," and an aesthetic-universalist reading that emphasizes human dignity and the demand for justice grounded in social experience.

МАҲМУД ДАРВИШНИНГ «БИТАҚАТ ҲУВИЙЯ» ШЕЪРИДА ФАЛАСТИН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИГИНИНГ ДИСКУРСИВ ҚУРИЛИШИ**Хилола А. Юлдашева***Доцент, филология фанлари доктори (DSc)**Арабшунослик олий мактаби**Тошкент давлат шарқшунослик университети*hilola_75@mail.ru*Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маҳмуд Дарвиш; фаластин адабиёти; миллий идентиклик; маъмурий назорат; дискурс таҳлили; постколониал танқид; қаршилик адабиёти.

Аннотация: Ушбу мақола Маҳмуд Дарвишининг 1964 йилдаги «Битақат хувийя» шеъри мисолида араб адабиётида миллий идентиклик қандай дискурсив усуллар орқали қурилишини таҳлил қилади. Асосий тезис шуки, миллий ўзлик бу ерда фақат «маданий хис» сифатида эмас, балки маъмурий назорат (хужжат, рўйхат, чеклов) шароитида шаклланадиган сиёсий даъво сифатида намоён бўлади. Мақолада матннинг перформатив буйруқлари, санок-ҳисоб воситалари, ер ва хотира рамзлари, «араблик» ва «фаластиналик» ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва зиддиятлар кўриб чиқилади. Шу билан бирга, шеърни эссенциалистик ўқиш (миллатни «ўзгармас моҳият» сифатида қабул қилиш) ҳамда уни эстетик-универсал ўқиш (ижтимоий тажрибага асосланган инсон қадри ва адолат даъвати) ўртасидаги контраргументлар баҳоланади.

ДИСКУРСИВНОЕ КОНСТРУИРОВАНИЕ ПАЛЕСТИНСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ В СТИХОТВОРЕНИИ МАХМУДА ДАРВИША «БИТАКАТ ХУВИЙЯ»

Хилола А. Юлдашева

Доцент, доктор филологических наук (DSc)

Высшая школа арабистики

Ташкентский государственный университет востоковедения

hilola_75@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Маҳмуд Дарвиш; палестинская литература; национальная идентичность; административный контроль; дискурсивный анализ; постколониальная критика; литература сопротивления.

Аннотация: Данная статья анализирует, каким образом в арабской литературе конструируется национальная идентичность через дискурсивные механизмы на примере стихотворения Махмуда Дарвиша «Битакаат хувийя» (1964). Основной тезис состоит в том, что национальная самость в данном тексте проявляется не только как «культурное чувство», но и как политическое притязание, формирующееся в условиях административного контроля (документы, регистрация, ограничения). В статье рассматриваются перформативные императивы текста, инструменты счета и

перечисления, символика земли и памяти, а также взаимосвязь и напряжение между категориями «арабскости» и «палестинскости». Наряду с этим оцениваются контраргументы между эссенциалистским прочтением стихотворения (где нация трактуется как «неизменная сущность») и его эстетико-универсалистским прочтением, акцентирующим ценности человеческого достоинства и справедливости, основанные на социальном опыте.

Кириш. Араб адабиётда миллий идентиклик мавзуси, айникса, мустамлакачилик тажрибаси, худудий йўқотишлар ва маъмурий зўравонлик шароитида, «маданий мерос»ни тасвирлашдан анча кенг. У сиёсий субъектликни қайта ишлаб чиқаришнинг бадий майдонидир. Шу маънода фаластин адабиёти XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий ўзликни «хужжатлаштириш», «исботлаш» ва «талаб қилиш»га мажбур бўлган жамиятнинг бадий архиви вазифасини ўтайди.

Ушбу мақолада Маҳмуд Дарвишнинг «Битақат хувийя» (1964) шеъри танланиши тасодифий эмас. Аввало, шеър фаластинликнинг маъмурий сўроқ ҳолати (идентификация, рўйхат, рақам, «кира олмайдиган худудлар»)ни бадий нутққа айлантиради ва давлат аппаратининг тилини тескари буриб, унинг ўзини айбловчи далилга айлантиради. Иккинчидан, «Сажжил!» («Ёзиб қўй!») каби императив формула шеърни оддий лирик изҳордан чиқариб, жамоавий даъво ва баҳс форматига киритади: бу ерда миллийлик ҳисси эмас, балки миллийликнинг ҳуқуқий-сиёсий баҳсга айланиши муҳим.

Мақола структуравий жиҳатдан назарий асос ва адабиётлар шарҳи, методология, тарихи контекст, матний таҳлил ва дискуссия қисмларидан иборат.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Миллий идентикликни адабиётда ўрганишда икки йўналиш айникса самарали: (а) миллатни «тасаввур қилинган жамоа» сифатида кўрадиган конструктивистик ёндашув ва (б) мустамлакачилик/истило шароитида маданий ишлаб чиқаришни сиёсий курашнинг узвий қисми сифатида таҳлил қиладиган постколониал ва «қаршилиқ адабиёти» анъанаси.

Бенедикт Андерсон миллатни табиий берилган «қон-қадрият» эмас, балки оммавий тасаввур, матбаа маданияти ва умумий вақт-мақон ҳаяжони орқали қуриладиган жамоавий тасаввур сифатида тушунтиради (Anderson B. Imagined. 2006). Дарвиш матнида миллатнинг «тасаввур қилинган» лиги айникса маъмурий хужжат тиллари билан тўқнашувда кўринади.

Давлат фуқарони рақам, реестр ва рухсатнома орқали «кўради», поэзия эса шу «кўриш»ни муҳокама қилинадиган воқеликка айлантиради.

Постколониал танқид доирасида Эдвард Саид маданиятни ҳукмронликнинг «ёпик орқаси» эмас, балки империя лойиҳалари билан узвий боғлиқ дискурсив майдон сифатида таҳлил қилади (Said E. W.1993). Дарвишдаги миллий нутқ айнан шу нуктадан қаралганда, «миллий эстетика» эмас, балки «ҳокимият–субъект» муносабатини қайта белгилаш амалиётидир. Барбара Харлоу эса «қаршилик адабиёти»ни миллий-озодлик ҳаракатларининг бир қисми сифатида кўриб, бадиий матннинг стратегиялари (шахсий биографияни умумий даъвога айлантириш, архивлаш, тавсиф ва шаҳодат)ни алоҳида таъкидлайди (Harlow B.1987). «Битақат хувийя» ана шу стратегияларнинг классик намунасидир.

М. Дарвишни махсус тадқиқ қилишда бир неча муҳим ишлар ажралиб туради. Халед Маттава шоирнинг эстетик эволюциясини ва «миллат» ҳамда «санъат» ўртасидаги мураккаб мувозанатни кўрсатади: эрта даврдаги ошқора сиёсий нутқ кейинчалик кўпроқ метафизик ва универсал лирикага айланади, аммо миллий масала марказдан кетмайди (Mattawa K.2014). Муна Абу Эйд Дарвишни «оммавий интеллектуюал» сифатида таҳлил қилиб, фаластин идентиклигини ифода этишда шеърнинг ижтимоий функцияларини кўрсатади (Abu Eid M.2016). Шунингдек, Дарвиш ҳақидаги мақолалар тўплами (Наср ва Раҳман таҳририда) унинг миф, жой, тарих ва лирик субъект муаммоларини ёритади (Mahmoud Darwish.2008). Нетанэл Хайм Силверманнинг диссертацияси «Identity Card»нинг илк антимустамлакачилик поэтикаси ва унинг иброний «кейинги ҳаётлари»ни кенг эмпирик материал асосида таҳлил қилади (Silverman N. H.2019). Араб тилида эса Хайсам Муҳаммад Сарҳоннинг мақоласи шеър қабул қилиниши ва ўқувчи тузилмаларини (талқин, таъсир, ишонтириш) таҳлил қилади (Mohammed Haysam...2016, 248p).

Ушбу адабиётлар муҳими шуки, улар «Битақат хувийя»ни бир вақтнинг ўзида (а) тарихий ҳужжатли шаҳодат, (б) риторик-поэтик стратегия, (в) миллий ўзликни қуриш амалиёти сифатида кўришга имкон беради. Аммо бу билан бирга, эссенциализм хавфи ҳам бор, «арабман» шиорини миллатнинг ўзгармас моҳияти деб ўқиш шеърнинг контекстуал, маъмурий-сиёсий кескинлигини йўқотиб қўйиши мумкин. Шу сабабли, назарий қисмда конструктивистик ёндашув устувор деб қабул қилинади.

Натижалар. Шеърнинг мафкуравий таъсири ва риторик кучини тўғри тушуниш учун у пайдо бўлган тарихий режимни қисқача очиш зарур. 1948 йилдан кейин Исроил ҳудудида қолган фаластинлик аҳоли (араб фуқаролар) 1966 йил декабрига қадар турли шаклларда ҳарбий маъмурият назоратида яшаган. Бу назорат фақат хавфсизлик сиёсати эмас, балки ҳаракат, меҳнат, ерга кириш ва жамоавий уюшиш имкониятларини маъмурий усуллар

билан чеклаш тизими эди (www.palestine-studies.). Дарвишнинг «идентификация картаси»га муурожаати шу маънода тарихий реалликни бадийлаштиради. Паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат муаммоси фақат техник-юридик эмас, балки кадр-қиммат масаласига айланади.

Ж.Скотт давлатнинг «кўриш» усуллари ҳақидаги тезисларида давлат ижтимоий ҳаётни бошқариш учун уни соддалаштиришга, категорияларга ажратишга ва стандартлаштиришга мойил дейди. (Scott J. С...1998, 445р). «Битақат ҳувийя» ана шу стандартлаштиришга қарши бадий «қаршилиқ нутқи» бўлиб чиқади.

Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, поймол этилган шаън ва ҳуқуқлар учун қалбдаги алам, шунингдек, она юртни ҳимоя қилишга тайёрлик руҳи унинг «Битақат ҳувийя» шеърдан ёрқин акс этади. Маҳаллий араб аҳолисини камситиб, уларни иккинчи даражали инсон сифатида қабул қилган босқинчиларга қарата шоир ўз сўзини ғурур ва матонат билан изҳор этади.

سجل!
أنا عربي
ورقم بطاقتي خمسون ألف
وأطفالي ثمانية
وتاسعهم.. سيأتي بعد صيف!
فهل تغضب؟

(arabicnadwah.com/arabpoets/saggel-darwish.html).

Эслаб қол!

Мен — арабман.

Мана паспортим. Рақами беш хонали.

Уйланганман. Саккиз нафар фарзандим бор.

Тўққизинчиси кузга бориб туғилади...

Ёз! Ва лабларингни бурама!..

Ушбу шеърни араб руҳи ва умумараб миллий ўзлигига бағишланган ўзига хос мадҳия сифатида талқин этиш мумкин. Асарда куч жиҳатидан устун ва ахлоқий меъёрлардан йирик рақиб қаршисида турган халқнинг ички қудрати ифода этилган. «Мен – арабман» деган қисқа, аммо мазмунан ниҳоятда серкатлам иборада араб халқининг асрлар давомида шаклланган тарихи мужассам. У зафарлар, юксалишлар, илмий ва маданий кашфиётлар, жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшган буюк шахслар билан ёритилган, бироқ айни пайтда таназул ва мағлубият босқичларини ҳам бошдан кечирган мураккаб тарихдир.

Контекстни яна бир муҳим қирраси «араблик» ва «фаластиналик» ўртасидаги идентиклик қатламларидир. 1950-1960-йилларда фаластин миллий онги бир вақтнинг ўзида

маҳаллий (ер, қишлоқ, шаҳар) ва кенгроқ пан-араб ҳамдардлик майдонида шаклланар эди. Дарвишнинг эрта поэзияси айнан шу икки қатламни бирлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун шеърдаги «арабман» формуласи фақат этник идентификация эмас, балки сиёсий алоқа, фаластин тажрибасини умумараб адолат ва антиколониализм лексиконига улаш воситаси сифатида ҳам ўқилиши мумкин.

Шеърнинг биринчи муҳим механизми бу адресатни қатъий белгилаш ва нутк вазиятини «сўроқ»дан «айблов»га айлантиришдир. Матндаги буйруқ (арабча «Сажжил!») бир томондан протоколчи мансабдорга қаратилган. У «ёзиб қўяди», демак, ҳокимиятнинг архивлаш амалиётининг рамзи. Иккинчи томондан, буйруқнинг перформатив табиати бор. У фақат маълумот билдирмайди, балки муносабатнинг қондасини ўзгартиради сўровчи субъект эмас, сўралаётган шахс нутқни бошлайди ва шартларни белгилайди.

Бу ерда миллий идентиклик «пассив та'риф» эмас, «фаол даъво» сифатида чиқади. Бошқа сўз билан айтганда, «мен кимман?» деган саволга жавоб эмас, балки «сен мени қандай тоифага қўшаяпсан ва нима учун?» деган саволни илгари суришдир. Миллийлик шу тарзда ҳокимиятнинг категориялаштириш амалиётини фош қилиш воситасига айланади.

Иккинчи механизми саноқ ва «оддий биография» деталлари орқали миллий даъвони материаллаштиришдир. Рақам (идентификация рақами), фарзандлар сони, меҳнатга ишоралар матнда муҳим ўрин эгаллайди. Улар романтик «ватан» шиорларини кундалик иқтисодий реалликка боғлайди. Давлат учун рақам бошқарувни енгиллаштирувчи белгиловчи категория бўлса, шеърда у инсонни «рақамга тушириш»ни фош қилувчи далилга айланади.

Бу ерда миллий идентикликнинг ижтимоий иқтисодий ўлчамига гувоҳ бўламиз. Миллат ҳақида гап кетганда, у фақат тарихий хотира эмас, балки меҳнат, оила, кундалик камбағаллик ва кадр-қиммат дегани ҳам. Шеърда «оддий одам»нинг мажбурий ҳисоб-китобга солиниши миллийликни персонал эмас, коллектив муаммога айлантиради. Андерсоннинг фикрига кўра, миллат «умумий вақт» тасаввурига таянади (Anderson, 2006. 256 p). Санок ва такрор эса шу умумий вақтни авлодлар давомийлигини риторик даражада ишлаб чиқаради. Фарзандлар мотиви шу нуктадан фақат «демографик даъво» эмас, балки тарихи давомийлик ва келажак ҳақидаги иддаодир.

Контраргумент сифатида, баъзи ўқишларда фарзандлар сони ва ғазабли тон «демографик таҳдид» сифатида кўрилиши мумкин. Бу талқин бир томондан ҳокимият дискурсига яқинлашиб кетади. У фаластинликни «ахборот объекти»га айлантиришни давом эттиради. Шунинг учун методологик жиҳатдан эҳтиёткорлик зарур. Шеърнинг вазифаси биологик рақобатни эмас, маъмурий камситишни фош қилишдан иборатдир.

Демография бу ерда «хаётни давом эттириш ҳуқуқи» рамзи сифатида ўқилганда тўғрироқ натижа беради.

Учинчи механизм макон (ер)ни миллий ўзликнинг ахлоқий ва ҳуқуқий асоси сифатида кўйишда бўлиб, шеърнинг пайдо бўлган тўплами «Awraq Al-Zaytun» деб аталиши бежиз эмас албатта. Зайтун фаластин маданий хотирасида ерга боғланиш, узок давом этувчи меҳнат ва тарихий илдиз рамзидир. Маҳмуд Дарвишнинг эрта поэзиясида зайтун ва ер мотивлари кўпинча «қишлоқ реаллиги» орқали миллийликни эстетиклаштиради, аммо бу эстетиклаштириш сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиб, ер ҳуқуқдан маҳрум қилиниши мумкин бўлган ресурсдир. Зеро, макон орқали миллатни қуришнинг икки усули бор. Биринчиси «худудий хотира». Бунда миллийлик муайян жойларга (қишлоқ, шаҳар, далалар) боғланади ва бу жойлар «топонимлар» эмас, «тажриба маконлари» сифатида ёритилади. Иккинчиси «ерга кириш ҳуқуқи» масаласи ҳарбий маъмурият даврида ҳаракат чекловлари ва ёпиқ зоналар сиёсати ерни «сиёсий режим»га айлантирган. Демак, шеърдаги макон рамзлари бу эстетик декорация эмас, улар маъмурий реалликка тўғридан-тўғри боғланишдир.

Мазкур нуқтада шеърнинг «инсон қадри»га мурожаати ҳам кучаяди. Миллий идентиклик фақат тарихий «мен кимман?» эмас, балки «мен қаерда яшашга ҳақлиман?» деган масалага айланади. Бу ерда Р. Халидийнинг фаластин миллий онги модерн даврда айнан макон ва тарихнинг бирлашиши орқали шакллангани ҳақидаги тезиси муҳим (Khalidi R...1997. 328p). Дарвишда ер рамзи ана шу модерн миллий онгнинг поэтик ифодасидир.

Шеърдаги «арабман» формуласи кўпинча энг кўзга ташланадиган нуқтадир. Бирок унинг сиёсий маъноси бир қатор саволларни туғдиради, жумладан, нега айнан «араб», нега «фаластинлик» эмас? Бу саволга икки хил жавоб бор.

Биринчиси «араб» атамаси 1950–1960-йиллардаги панараб антиколониализмнинг мобилизацион тили. Дарвишнинг эрта аудиторияси фақат маҳаллий аудиториядан иборат бўлмасдан, шеър бошқа минтақаларга тез тарқалгани ва оммавий ўқишларда қўлланилгани қайд этилади. Демак, «арабман» дейишлик, ҳамдардлик ва умумараб ахлоқий майдонига кириш калитидир.

Иккинчиси «арабман» формуласи маъмурий категорияга қарши чиқади. Ҳарбий маъмурият даврида араб фуқаролар кўпинча хавфсизлик терминологияси орқали тавсифланар эди. Шеър эса буни рад этади ва ўзини «катта жамоа»нинг бир қисми сифатида номлайди. Шу билан бирга, бу ерда контраргумент ҳам кучаяди ва «араблик»ни марказга қўйиш фаластин миллий спецификасини сусайтириб юбормайдими?, деган савол туғилади. Бу хавф реал. Айниқса кейинги даврларда фаластин сиёсий ҳаракати ўзининг алоҳида миллий даъвосини кучайтирган шароитда, «арабман» шиори баъзан эссенциалистик ва

умумлаштирувчи чакирик сифатида ҳам қабул қилиниши мумкин. Маттава ва Абу Эйд каби тадқиқотларда Дарвишнинг кейинчалик айнан шу мувозанатни қайта қургани, «араб»ликдан «фаластин»ликка ўтиш орқали эстетик стратегияни бойитгани қайд этилади (Abu Eid M...2016.240 p). Демак, «арабман»ни 1964 йил контекстида эрта мобилизацион нутқ ва маъмурий раддия сифатида ўқиш методологик жиҳатдан тўғрироқ бўлади.

Натижада, шеърда миллий идентиклик икки қатламда қурилади: (а) кенг цивилизацион-этник қатлам (араблик) ва (б) маъмурий зўравонликка қарши маҳаллий сиёсий даъво (фаластин тажрибаси). Бу икки қатламнинг бирга туриши шеърни ҳам универсал, ҳам конкрет қилади.

«Битақат хувийя»нинг таъсири фақат матний стратегиялар билан эмас, унинг қабул қилиниши билан ҳам боғлиқдир. Эрта даврда шеър кўпинча оммавий тадбирларда ўқилган, «қўшиқлашган» ва бир турдаги жамоавий перформансга айлангани қайд этилади. Бундай қабул формати миллий идентикликни «ўқувчи ички ҳисси»дан чиқариб, жамоатчиликда такрорланадиган, ёдланадиган ва шундай қилиб «институционаллашадиган» маданий матнга айлантиради. Миллат «тасаввур қилинган жамоа» бўлса, бадиий перформанс унинг ҳиссий инфраструктурасини яратади.

Бироқ қабул тарихида зиддият ҳам бор. Ҳайфсизлик дискурси нуктаи назаридан, шеър «қўзғатувчи» деб талқин қилинади. Айрим адабий-танқидий муҳокамаларда эса у «эссенциалистик» яъни, идентикликни ўзгармас ва монолит тасвирлайдиган деб баҳоланган.

Шеър бир вақтнинг ўзида фаластин жамоаси учун мобилизацион рамз, исроил жамоатчилигида эса баҳс объектига айланган. Қизиғи шундаки, ўша «эссенциализм» танқиди ҳам миллий идентикликнинг мураккаблигини тасдиқлайди. Ҳаддан ташқари содалаштириш хавфи бўлгани учун шоирнинг ўзи ҳам кейинги даврларда айрим эрта матнларга масофа сақлагани қайд этилади.

Демак, миллий идентиклик бадиий матнда бир марта «айтилиб қўйиладиган» моҳият эмас. У доимий қайта ўқилади, қайта баҳоланади ва турли аудиторияларда турлича сиёсий маъно касб этади. Шу нуктада «Битақат хувийя»ни фақат «миллий шиор»га айлантириб қўйиш ҳам, уни фақат «универсал инсонийлик»ка тушириб қўйиш ҳам методологик хато бўлади. Матн иккала ресурсдан ҳам фойдали. Унинг миллий даъвоси универсал этник тил билан бирга яшайди.

Шеър қаҳрамони ўз ҳаётини фактлар бўлган меҳнат, оила, камбағаллик орқали тасвирлайди ва бу орқали маъмурий категорияларга қарши эмпирик «ҳаёт ҳақиқати»ни кўяди- инсон рақам эмас, биография.

Миллат ер ва хотира орқали белгиланади. Ватан романтик миф эмас, ҳуқуқ ва эгалик масаласи. Ватан тушунчасининг айнан ғоявий-сиёсий мазмуни, араб миллий ғояси доирасида, замонавий фаластинлик шоир Маҳмуд Дарвиш ижодининг марказий негизи ҳисобланади. У бу масалани назарий мулоҳаза даражасида эмас, балки шахсий тажриба асосида англаган ижодкор эди. Дарвиш сионистлар томонидан ўз халқи камситилиши, муқаддас деб билган замини таҳқирланиши ва унинг ҳаёти маъносини ташкил этган кадриятлар издан чиқарилишини бевосита кўрган ва ҳис этган. Маҳмуд Дарвиш шундай ёзган эди: «Йилдан-йилга ўтиб, сенинг ерингида ёвузлик кўпаяди, О, Ватан!... Ватан ҳар доим ҳам ҳақ эмас, лекин мен ўз ҳақиқатимни фақат ўз ватанимда англай оламан.» (Bhabha Н. К...1994.312р).

Кўриб турганимиздек, адабиёт миллий идентикликни акс эттирмайди у уни амалий тарзда ишлаб чиқаради. Шеърият маъмурий назоратни номлабгина қолмай, унга қарши альтернатив классификацияни кадр-қиммат, ер, миллий хотирани таклиф қилади.

Хулоса. Мақолада Маҳмуд Дарвишнинг «Битақат хувийя» шеърида фаластин миллий идентиклиги қандай қурилишини маъмурий назорат ва бадийий дискурс ўртасидаги тўқнашув нуқтаси таҳлил қилинди.

Таҳлил натижасида тўртта асосий механизм ажратилди: (1) перформатив буйруқ орқали нутқ вазиятини тескари қилиш; (2) саноқ ва биографик фактлар орқали инсонни «рақам» эмас, «ҳаёт» сифатида намоён этиш; (3) ер ва хотира рамзлари орқали худудий ҳуқуқ даъвосини эстетиклаштириш; (4) «араблик» формуласи орқали маҳаллий тажрибани кенг антиколониал майдонга улаш.

Мақола эссенциализм хавфини тан олди, аммо уни 1960-йиллар контекстида стратегик-мобилизацион нутқ режими сифатида қайта ўқиш мумкинлигини асослади. Шунинг учун «Битақат хувийя»ни араб адабиётида миллий идентикликнинг «тайёр тасвири» эмас, балки миллий субъектликни амалий қуриш технологияси сифатида кўриш тўғрироқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Anderson B. Imagined Communities: Reflections on the Origin and Spread of Nationalism. Revised ed. — London; New York: Verso, 2006. — 256 p.
2. Said E. W. Culture and Imperialism. — New York: Alfred A. Knopf, 1993. — 380 p.
3. Harlow B. Resistance Literature. — New York: Methuen, 1987. — xx, 234 p.
4. Mattawa K. Mahmoud Darwish: The Poet's Art and His Nation. — Syracuse, NY: Syracuse University Press, 2014. — 224 p. — ISBN 9780815633617.

5. Abu Eid M. Mahmoud Darwish: Literature and the Politics of Palestinian Identity. — London: I.B. Tauris, 2016. — 240 p. — ISBN 9781784530716.
6. Mahmoud Darwish, Exile's Poet: Critical Essays / ed. by H. K. Nassar, N. Rahman; foreword S. K. Jayyusi. — Northampton, Mass.: Olive Branch Press, 2008. — xiv, 377 p. — ISBN 9781566566643.
7. Silverman N. H. Rereading Identity Cards: The Early Anticolonial Poetics of Mahmoud Darwish and their Hebrew Afterlives: PhD dissertation. — Toronto: University of Toronto, 2019.
8. سرحان، هيثم محمد. إشكالية التلقي في قصيدة «بطاقة هوية» لمحمود درويش // مجلة الأثر. — ع 26 — 2016.
9. درويش، محمود. أوراق الزيتون. — حيفا: مطبعة الاتحاد التعاونية، 1964.
10. Bäuml Y. Israel's Military Rule over Its Palestinian Citizens (1948–1968): Shaping the Israeli Segregation System // Israel and its Palestinian Citizens: Ethnic Privileges in the Jewish State / ed. by N. N. Rouhana. — Cambridge: Cambridge University Press, 2017. — P. 103–136. — DOI: 10.1017/9781316770426.005.
11. Military Rule // Institute for Palestine Studies (Palestine Studies). — URL: <https://www.palestine-studies.org/en/node/1649904> (муружаат санаси: 24.01.2026).
12. Palestinian Culture and Expressions of Identity (chronology note on Darwish and 'Awraq al-zaytun') // PalQuest. — URL: <https://www.palquest.org/en/overallchronology?nid=38363> (муружаат санаси: 24.01.2026).
13. Scott J. C. Seeing Like a State: How Certain Schemes to Improve the Human Condition Have Failed. — New Haven; London: Yale University Press, 1998. — xiv, 445 p.
14. Khalidi R. Palestinian Identity: The Construction of Modern National Consciousness. — New York: Columbia University Press, 1997. — 328 p.
15. Bhabha H. K. The Location of Culture. — London; New York: Routledge, 1994. — 312 p.
16. <https://docenti.unimc.it/a1.samy>
17. Hikam Ani l-Watan (Aphorisms about the Motherland) URL: <http://عن-حکم.net/> (date accessed: 09.11.2015) (In Arab.) ahmedibrahim/teaching